




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (12.210)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МАМЛАКАТИМИЗДА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Яқинда Бельгияда нашр қилинадиган оммабоп «Voyages Voyages» ойлик журнали саҳифаларида таниқли фотожурналист Эзекеэл Скагнеттининг «Ўзбекистон – тамаддунлар чорраҳаси» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ушбу мақола муаллифининг шу йил март ойида Ўзбекистон бўйлаб уюштирган ижодий сафарининг натижаси сифатида журналхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

«ЎЗБЕКISTON — ТАМАДДУНЛАР ЧОРРАҲАСИ»

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон европаликлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб қилаётир. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари эса дунёдаги энг оммабоп сайёҳлик йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Европа мамлакатларида фаолият олиб бораётган етакчи сайёҳлик компаниялари вакилларининг тақдир қиладиган ўзбек сайёҳлик операторлари шулар жумласига кириди. Ва, албатта, дунёдаги кўна шаҳарлар бўлиши Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзда қад кўтарган маҳабатли маданият-тарихий обидалар европалик сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортмоқда.

Европанинг деярли барча етакчи сайёҳлик компаниялари Ўзбекистонни сайёҳлик нуқтаи назаридан дунёдаги энг қизиқарли ва жозибдор мамлакатлардан бири сифатида эътироф этганлари ҳолда ўзларининг реклама-ахборот нашрларида ўлкаимиз бўйлаб ранг-баранг саёҳатлари миқозларга тақдир қиладиган бўлишган. Бу эса юртимизнинг европаликлар орасида тобора оммалашиб бораётганидан далolat беради.

Э.Скагнетти ўз мақоласида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бўлиши Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида атрофлича ҳикоя қилган. Ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, миниатюра санъати намуналари, бетакрор меъморилик обидалари ва ўтмишда яшаб ўтган усталар томонидан яратилган санъат буюмлари сақланган музейлар ҳам фотомусаввир эътиборидан четда қолмаган.


Муаллиф Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Лаби Ҳовуз мажмуаси сингари меъморилик обидалари ва Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида кўрган бошқа турли осори-атиқалардан хайратга тушганини маълум қилади. «Кўкун, Самарқанд, Бухоро ва Хива ўрта асрларда дунёнинг илм-фан марказлари бўлишган. Қадим замонлардан буюн бу шаҳарларда дунёга машҳур буюк олим ва мутафаккирлар яшаб, ижод қилишган», деб ёзади Скагнетти.

Самарқандни тасвирлар экан, муаллиф турли тарихий даврларда Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва буюк саёҳатчи Марко Поло ушбу шаҳарда бўлганликларини қайд этади. У буюк саркарда ва давлат арбоби, ўзбек давлатчилигига асос солган ва ўз даврида Самарқанднинг шухратини бутун дунёга таратган Амир Темурнинг хизматларини алоҳида қайд этади. «Амир Темур бошқаруви даврида бу шаҳарда Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва бошқа маҳабатли иншоотлар бунёд этилган», дея ёзади муаллиф.

«Табаррук Бухоро» ҳақида ҳикоя қилар экан, Э.Скагнетти Осиёнинг энг кўна қадамжоси бўлиши ушбу шаҳарда кўлаб тарихий ва меъморий ёдгорликлар қад кўтарганини қаламга олади. Унинг таъкидлашича, Бухорода асрлар мобайнида турли хил динларга эътиқод қилувчи турли миллат ва элал вакиллари ўзаро тинч ва аҳилликда яшаб келди. Ўзбек халқининг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолгани ҳам хорижлик журналистда катта таассурот қолдирганини англаш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда)

МИРОБОД ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Қутлуғ сана – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги арафасида Миробод туманида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Худудни кўздан кечирар экансиз, ўтган йиллар давомида бу ерда ўнлаб янги объектлар бунёд этилган, йўللар янгиланган, кўчалар ва майдонлар ободонлаштирилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Миробод – пойтахтимизнинг марказий туманларидан биридир. Айни пайтда унинг худудида жойлашган Марказий темир йўл вокзали уни кўп сонли сайёҳлар учун республикамиз бўйлаб саёҳатининг бошланғич нуқтасига айлантиради. Бу ерда фаолият кўрсатаётган замонавий темир йўл боғламаси – сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик жараёнларининг натижасидир.

Туманининг худуди 17,13 кв. км.га тенг. Бу ерда 125,8 нафар киши истиқомат қилади. Тумандаги 39 та маҳалланинг аксарияти – кўп миллатли.

Туманда ўнта йриқ корхона фаолият кўрсатади, уларнинг аксарияти нафақат республикамизда, балки чет элларда ҳам машҳур. Булар қаторида «Ўзэлектроаппарат – Электрошит» ОАЖ ҚК, «Ўзхимфарм» ОАЖ, «Шарқ» НМАК, «Нобель фарманоат» ҚК ва бошқалар бор. Туманда хорижий сармоя иштирокидаги 518 та корхона мавжуд. «Metal technology» МЧЖ ҚК, «Eit-Polimer» МЧЖ ҚК, «Aluminium Systems» МЧЖ ҚК, «Donmahsulotplast» МЧЖ каби корхоналар, шу жумладан, маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича барқарор иқтисодий натижаларга эришмоқда.

Мазкур корхоналар шаҳар, ва умуман, республика иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўтган йилнинг ярим йиллик кўрсаткичларига таққослаганда санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаҷми 23,8 фоизга ошди ва уларнинг қиймати 318,781 млн. сўмни ташкил этди. 104,250 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ўтган йилнинг олти ойлик кўрсаткичидан 20,5 фоизга кўп. Аҳолига 168,960 млн. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилган. Улгуржи ва чакана савдо ҳаҷми 338,423 млн. сўмни ташкил этди.

Йил бошидан буюн жалб қилинган инвестициялар ҳаҷми 165 фоизни ташкил этди, бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан қарийб бир ярим баравар ортди. Маҳсулот экспорти ва импорти тегишли равишда 520790 минг долларни ва 500363 минг долларни ташкил этди.

Ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш, ёшларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши масалалари диққат марказида бўлиб келмоқда. Туманда 16

та умумтаълим мактаби, бешта академик лицей, еттита касбхона коллежи, 26 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Йигит-қизлар олти та олий ўқув юртида энг замонавий ва бугунги кунда талаб қилган бўлган мутахассисликларни эгалламоқда. Уларнинг орасида энг машҳурлари – Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Халқаро Вестминстер университети, Ломоносов номли Москва давлат университетининг филиалидир. Урта музей, саккизта ахборот-ресурс маркази, иккита театр аҳоли хизматида. Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғи ўзининг аттракционлари билан шухрат қозongan.

Аҳоли саломатлиги 17 та турли тиббиёт муассасаси ходимларининг назорати остида. Айни пайтда хусусий тиббий муассасалар шифокорлари ҳам тиббий хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар – яратувчанлик жараёнларининг ўзига хос кирралари бўлиб, бу борадаги ишлар муваффақиятли давом эттирилмоқда.

(Миробод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

➤ **ТОШКЕНТДА** мамлакатимиздаги етакчи мобил алоқа операторларидан бири – «Ucell» компанияси дилерларининг абонтларга кўрсати-

лаётган хизматлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

➤ **РЕСПУБЛИКА** болалар ижтимоий мослашуви марказида Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг

фарзандлари учун маърифий тадбир ўтказилди.

➤ **ШАЙХОНТОХУР** туманида жойлашган «Белтепа» спорт мажмуасида «Отам, онам ва мен – спортчи оила» мавзусида спорт мусобақалари ташкил этилди.

➤ **ЭРТАГА** «Ўзбектелеком» АКнинг «Ўзмобиайл» филиалида Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими томонидан «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш – ўз қўлимизда» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтади.

АКнинг «Ўзмобиайл» филиалида Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими томонидан «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш – ўз қўлимизда» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтади.

ЖАҲОНДА

➤ **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти** маълумотига кўра, дунё бўйича 285 миллион одамнинг кўриш қобилияти турли даражада пасайган, 39 миллион одамнинг эса кўзи бутунлай кўрмайди. Мутахассисларнинг таҳминларига кўра, 2020 йилга бориб сайёрамизда кўзи ожизлар сони 75 миллионга етиши мумкин. Уларнинг айтишича, ксилород танқислиги, танада ёғ алмашувининг бузилиши, қандли диабет, стресс каби омиллар кўриш қобилиятининг сусайишига олиб келади.

➤ **Финляндиянинг Котка шаҳрида** халқаро денгиз фестивали очилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, унда дунёнинг юзлаб турдаги сув транспорти воситалари намойиш этилаётди. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, фестивал доирасида кичик елканли кема ва каноэлар пойғаси, денгиз оркестрларининг чиқишлари, ранг-баранг сувусти шоулари, спорт ва балиқчилик мусобақалари, маданият-кўнгилочар ва илмий тадбирлар, кемаларни бошқариш ва солларни қуриш машқлари ўтказилади.

➤ **Қурғоқчилик боис АКШнинг бир қанча штатида** ҳашаротлар кўпаймоқда. Зараркундалар тўдаси соя, гуруч, маккажўхори, арпа каби экинларни nobуд қилиб, фермер хўжалиқларига катта зарар етказмоқда. Муаммонинг олдини олиш учун айни вақтда экин майдонларига махсус кимёвий моддалар билан ишлов берилмоқда.

➤ **Япониялик меъмورлар** томонидан дунёдаги энг катта лифт барпо этилди. Осака шаҳридаги кўп қаватли Умеда Ханку биносидан бунёд этилган мазкур улкан лифт саксон кишига мўлжалланган. Бинода жойлашган ана шундай беш лифт бирданига тўрт юз одамни юқорига элтиб қўйиш қувватига эга. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай улкан лифтлар «Mitsubishi» компанияси томонидан лойиҳалаштирилган.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МИРОБОД ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Молиявий бозор

МИЖОЗЛАРГА КЕНГ КЎЛАМДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида «Ипотека банк»нинг Миробод тумани филиали кичик бизнес субъектларига 102 млрд. сўмлик кредитларни ажратди. Бугунги кунда ушбу молиявий муассаса бўлажак миждоқларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда барқарор фаолият юритмоқда.

Яқинда бу ерда хоналарни тубдан таъмирлаш, жорий таъмирлаш ишлари якунига етди. Миждоқларга хизмат кўрсатиш шохбачалари ўсиб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда энг замонавий техник ускуналар билан жиҳозланмоқда.

2012 йилнинг Мустақкам оила йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан банк ҳам оилавий бизнесга, ҳам ёш оилаларга мўлжалланган истеъмол хизматлари турларини кенгайтирмоқда.

— Ёш оилаларга кўрсатилаётган энг жозибали хизмат турларидан бири — бу истеъмол кредитларидир, — дейди «Ипотека банк» Миробод тумани филиали ипотека ва истеъмол кредитлари бўлимининг бошлиғи Камолддин Жалилов. — Шу йилнинг олти ойи давомида филиал томонидан 142 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан миждоқлар маиший техника, мебель ва қурилиш материалларини харид қилиш, тантанали маросимларни ўтказиш имкониятига эга бўлишди.

Олий ўқув юртларида шартномавий асосда таълим олаётган талабаларга контракт ҳақини тўлаш учун банк томонидан 24 млн. сўм маблағ ажратилган.

Айни пайтда «Ипотека банк»нинг Миробод тумани филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иш-

ларига сармоя киритган ҳолда туманининг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришида фаол иштирок этмоқда. Бундай кредитлаш янги объектларни бунёд этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, кенг турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга кўмаклашадди. Ярим йил давомида микрокредитлаш — 1,1 млрд. сўмни, тадбиркор хотин-қизларга ажратилган кредитлар — 662 млн. сўмни, оилавий бизнесни ривожлантиришга ажратилган кредитлар — 74 млн. сўмни ташкил этди. Мазкур кредитлар туфайли иқтисодиднинг турли тармоқларида 180 та янги иш ўринлари яратилди.

Жисмоний шахслар билан ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг турли хил омонатларни жойлаштириши, халқаро пул ўтказиш тизимларидан фойдаланиши, пластик карточкаларга миллий ва чет эл валютасидидаги маблағларни жойлаштириши, терминаллар орқали коммунал хизматлар, уяли алоқа, Интернет ҳақини тўлаш учун барча имкониятлар яратилган.

Жамоамиз учун фаолиятнинг бosh тамойиллари масъулият, ишонччилик ва касбий маҳорат ҳисобланади. Буларнинг барчаси «Ипотека» банки филиалига молиявий бозорнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолиш, мамлакат иқтисодий ривожлантиришига кўмак беради.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Меҳнат бозорининг барқарор ва мувозанатланган тарзда ривожланиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

2012 йилнинг ўтган олти ойи давомида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 5095 киши ишга жойлаштирилди, бу эса белгиланганидан 28,7 фоизга кўп.

Миробод тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассислари корхоналар ва ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда бўш иш ўринлари мониторингини юритмоқда. Ишга жойлашиш бўйича маълумотлар билан нафақат туман фуқаролар йиғини стендлари орқали, балки иш ўринлари ярмаркасида ҳам танишиш мумкин. Жумладан, Фуркат номи богда ва Темирийулчилар маданият саройида ўтказилган ярмаркаларда тумандаги барча йирик ташкилотлар қатнашди. Коллеж ва лицейлар битирувчилари, ишга жойлашиш истифода бўлган йигит-қизлар бу ерда иш жараёни ҳақида барча маълумотлар билан танишиш, ишга жой-



МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМДА

Талъатбек ШАМСИЕВ,
«Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси,

«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:

— Мустақилликка эришганимизга ҳам 21 йил тўлиш арафасидамиз. Бу йиллар ичида ўзимизнинг кимлигимизни, нималарга қодир эканлигимизни англаб етдик. Мустақиллик йиллари бошида Президентимиз Маҳалла институтини тақомиллаштириб, демократиянинг дебначасини ташкил қилдилар. Маҳалланинг асосий вазифаси яшовчиларни бирлаштириш, тинч-товушлик, фаровонликда яшашидан иборатдир. Мустақкам оила йилида ажримларнинг келиб чиқмаслиги, ёш оилаларнинг бир-бири билан тил топишиб, яшаб кетиши борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада фуқаролар йиғини раиси, мас-

лаҳатчиси, котиби, сардори олдидан турган вазифалар жуда катта. Айниқса, маҳалла худудини озода тутиш, кўкаламзорлаштириш, атрофга гул ва дарахтар экиш қатта аҳамият берилади. 12 йилдан бери «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисиман. Бу йиллар ичида қўлимдан келганича маҳалла тинчлиги, тозалиги, ёшлар ичида қонунбузарликларни олдини олишга эътибор қаратиб келмоқдаман. Хомийлар ёрдамида охириги 2 йил ичида бизнинг маҳалламизга 3 та болалар майдончаси қурилди, 4000 кв. метрдан ортиқ йўл асфальтланди. Маҳалламизда олиб борилётган ишлар йиғинда бўлиб, камтарона меҳнатларим Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди. «Меҳнат шухрати» ордени соҳибига айландим. Бунга жавобан келажакдаги ишларни янада пухта ва аниқ бажаришим кераклигини ич-ичимдан ҳис қиламан.

Гулнора Жеппарова бир неча маротаба Ойбек маҳалласи фуқаролари йиғини раиси вазифасига сайланган.

Маҳалла

ҲАМЖИХАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Маҳалладаги ижтимоий мухитни яхшилашга ёрдам беради. Маҳалламиз гузарига ҳуқуқшунослар, шифокорлар, турли соҳалар мутахассислари иштирокида тез-тез давра суҳбатлари, турли тадбирлар ўтказиб турилади. Жумладан, яқинда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла фуқаролари йиғини раиси Дилора Жаимова билан Ташкент давлат юридик институтининг ўқитувчилари иштирокида «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Мустақкам оила — жамият таянчи» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Бундай учрашувлар давомида иш-тирокчилар қонунчилик, саломатлик, таълим ва бошқа соҳаларга оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олмақда.

Маҳаллани кўздан кечираркансиз, унинг худуди ободонлаштирилгани, озода ва батартиб эканлиги ғувоҳ бўласиз.

Фуқаролар таъқидлаганидек, бу йил маҳалла худудидан мингдан ортиқ гул қўчати, 40 та мевали дарахт қўчати экилган, Ойбек кўчаси бўйлаб ирригация лотоклари тозаланган. Маҳалла худудидан 35 та кўп қаватли йў бор, уларнинг атрофи, зналоқа майдончалари, кириш йўлаклари тартибга келтирилмоқда.

Албатта, бу ишларни фақат раиснинг ўзингина эглай олмайдди. Унга Ирина Жаббарова, Нилуфар Аҳмедова, Зиёда Ирматовна, Дилора Мустафаева, сардор Абдуҳаким Алимов ва бошқалар яқиндан ёрдам бермоқда. Zero, бирлашган — узар, деб шуни айтадилар-да.

лашиш учун йўланма олиш имкониятига эга бўлди. Жумладан, ким қўшимча мутахассисликни эгаллаш, малакасини ошириш ниятида бўлса, Бандликка кўмак-

Ижтимоий ҳимоя

МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

лашиш маркази уларни ўқига ёки малакасини оширишга юборди. Бу йил қайта ўқига юборилган 191 кишидан 184 нафари ишга жойлаштирилди.

— Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналишини хайрия ёрдами кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ташкил этади, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ди-

ректори Бахтиёр Бойтўраев. — Кексалар, ёлғиз кишилар, эҳтиёжманд оилалар, болаликдан ногиронлар доимо диққат марказимизда. Йил бошида биз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқдик. Хусусан, доимий ёрдамга муҳтож 68 нафар ёлғиз нафақахўр ҳисобга олинди. Хайрия маблағлари эвазига 22 киши учун газета ва журналларга обуна расмийлаштирилди.

Марказ «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти каби жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Улар томонидан 26 нафар фуқаро учун 292 минг сўмлик дори-дармон харид қилинди.

Ёзи таътиллар даврида Юнусобод туманидаги «Нуроний» сирхатгоҳига 56 та йўланма расмийлаштирилди. Эҳтиёжманд кишиларга «Товоқсой», «Олтиариқ» дам олиш уйлари яна 44 та йўланма ажратилди.

Бу туман аҳолисининг ижтимоий ҳимояси йўлида қилинаётган ишлардан айрим мисоллар, ҳолос. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан юзлаб ана шундай тадбирлар амалга оширилмоқда.

Саҳифа материалларини Максим ЧЕРНОГАЕВ тайёрлади
Козим Ўлмасов олган суратлар

«ЎЗБЕКИСТОН — ТАМАДДУНЛАР ЧОРРАҲАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси маркази — Нукусда уюштирилган сафарига тўғалар экан, муаллиф Осиди мин-тақасидида энг яхши бадий мажмуа бўлиши И.В.Са-вицкий номидаги Давлат санъат музейида ўз кўзи билан кўрган санъат асарлари тўплами ҳақида завқ-шаўқ билан хикоя қилади. «Ушбу музейда мураккаб собиқ совет даврида Москвадан узоқда жойлашган Нукусда асраб қолинган рус авангард санъатининг бекиёш тўплами жой олган. Ҳозирги вақтда бу ерда 90 мингдан ортиқ сурат, қадим Хоразмининг моддий ва маданий санъати буюмла-ри, қорақалпоқларнинг халқ амалий санъати намуналари сақланмоқда. Мазкур музей Қорақалпоғистон мил-лий санъат мактабининг ўчоғи бўлиши билан бир қатор-да унда Ўзбекистон тасвирий санъати асосчилари ва XX аср бошларида Урта Осидеда ижод қилган турли миллат ва элларга мансуб мусаввирларнинг ижод намуналари ҳам ўз ўрнини топади» деб ёзади муаллиф.

Э.Скагнетти мақолада Орол денгизи фожиасини аф-сус ва надомат билан тасвирлар экан, уни XX асрнинг умумсайёравий ҳалокати сифатида эътироф этади. Му-аллиф Орол денгизининг қуриб бориши, унинг деярли йўқолиб кетиши ва Оролбўйи ҳудудига яшовчи аҳоли-нинг экологик муаммоларга дуч келишига собиқ совет иттифоқи раҳбарияти томонидан олиб борилган сиёсат сабаб бўлгани таъкидлайди. «Ҳозирги вақтда, деб ёзади у, Ўзбекистон раҳбарияти, халқаро ташкилотлар, жум-ладан, Жаҳон банки ушбу муаммони ҳал қилишга қара-тилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда».

Ўзбекистон бўйлаб сафари муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида Э. Скагнетти хизмат тақозоси билан шу кунга қадар дунё-нинг эллиқдан ортиқ мамлакатига бўлганини, аммо Ўзе-бекистонга уюштирилган сафари бениқоа аҳойиблиги ва бир умрга ёдда қолиши билан ажралиб туришини таъкидлади.

Эзекуэл Скагнеттининг Ўзбекистонга бағишланган мазкур мақоласи Бельгия жамоатчилигида катта қизи-қиш уйғотди. «Voyages Voyages» журнали кенг ўқувчи-лар доирасини қамраб олганини назарда тутиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур мақола Европа Иттифоқи мамлакатларидан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг янада ортишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА
Брюссель

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА МЕДИА СОҲАНИНГ ЎРНИ

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг жорий йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан байрам табриғида журналистлардан ҳэбт воқеалини ҳаққоний ва ҳолис акс эттириш, қасб маҳоратини мутасил юксалтириш учун тинимсиз изланиш, мардлик, фидойилик, жасорат, ўз қасбига бўлган чексиз садоқат талаб этилиши алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот восита-лари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотико-рат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган фуқаролик жамияти институти-лари тизини оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган конференцияда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасининг депутатлари, олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатяётган газета ва журналлар, интернет наشرларининг раҳбарлари қатнашди.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамо-ат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик ин-ститутлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Журна-листлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотикорат ташкилотларини ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик институтилари тизинидаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб, самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Ўртимизда демократик талаб ва стандартларга мос, ахборот соҳасининг жадал ривожини таъминловчи қонун-чилик базаси яратилгани, медиа соҳага бозор механизми илчил жорий этилаётгани, уларнинг моддий-тех-ника базасини янада яхшилаш бўйича узоқ муддатли лойи-ҳалар амалга оширилаётгани мазкур йўналишдаги ама-лий ишларнинг яқол натижасидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда муҳим омили бўла-ёпти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фао-лияти очиллигини таъминлаш, оммавий ахборот восита-лари мустақиллигини, иқтисодий эркинлигини мустаҳкам-лаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этишга оид қонунчилик тобора тақомиллашмоқ-да. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тай-ёрлаш ишлари тизимли, изчил, босқичма-босқич амал-га оширилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривож-лантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар билан бериш тўғрисида»ги Қарори барча турдаги медиа тизимлар, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш ташкилотларини янада ривожлантиришга хиз-мат қилаётди.

Конференцияда журналистлар зиммасидаги долзарб вазифалар, кенг қўламли ислохотларни ёритишда ом-мавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти, ахборот соҳасини ислох этишга оид қонун ҳужжатлари-ни тақомиллаштириш, медиа соҳанинг иқтисодий эр-кинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар, жамо-ат ташкилотлари фаолиятини ёритишда журналистлар-нинг фаол иштирокига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузуридаги Нодавлат нотикорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўлла-б-қувватлаш жамоат фондининг навбатдаги грант танлови ғолиблариغا сертификатлар топширилди.

Назokat УСМОНОВА,
Уза муҳбири

Бугунги кунда юртимизда ҳакамлик (арбитраж) судлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг ошиб бораётганининг гувоҳимиз. Ҳакамлик судлари, улар фаолиятининг принциплари, мазкур судлар ваколати доирасига кирувчи масалалар ҳуқуқиде сўз юритишдан олдин қисқача ушбу судлар фаолиятининг асосини белгилаб берувчи қонунчилик манбаларига тўхталиб ўтиш жоиздир.

1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низолашни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Киев битими (1992 йил) ратификация қилинди, 1995 йил 20 декабрда эса 1958 йил 10 июндан кучга кирган Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киритилган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида республикада фаолият юритаётган барча ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолаш, уларни тартибга солиш манбалари, ҳакамлик судлари, ни ташкил этиш, улар фаолиятининг асосий принциплари, таркиби, ваколатлари, ҳакамлик муҳожамаси натижасида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари тўғрисида кенг маълумотлар бор. Мазкур қонундан оғишмаган ҳолда мустақиллик, ҳакамлик судьяларнинг ҳолислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳожамаси тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги асосида иш юритаётган ҳакамлик судлари фаолиятида ўзига хос муваффақиятлар кўзга ташланмоқда.

низи хал этиш ихтиёрийлик мезонидеги ғоят қулай услуб десак, муболага бўлмайди.

Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан 1985 йил 21 июнда қабул қилинган Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ на-

мунавий Қонуни 7-моддаси 2-қисмида арбитраж битимининг ёзма шаклида тузилиши, агар битим тарафлар имзолаган ҳужжатда бўлса ёки бундай битимнинг қайд этиб қўйилиши таъминладиган хатлар, телетайп, телеграф орқали ёки бошқа электр алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабарлар айирбошлаш йўли билан ёхуд тарафлардан бири битимнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган, бошқаси эса бунга эътироз билдирмайдиган даъво аризаси ва даъвога жавоб айирбошлаш йўли билан тузилган бўлса, у ёзма шаклида тузилган бўлиши ҳисобланши, шартномада арбитраж шартларини ўз ичига олган ҳужжатга ишора қилиниши, агар шартнома ёзма шаклида тузилган бўлса ва мазкур ишора зикр этилган шартларни

шартноманинг бир қисмига айлантирса, у арбитраж битими ҳисобланши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ўринда ҳакамлик битими мазмунига қўзланасак, ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низолаш ҳакамлик судида мазмунан кўриб чиқишти тўғрисидаги қоида, шунинг билан биргаликда низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозимлиги сингарди қондаларга рия қилмаслик ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслигига олиб келиниши таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, арбитраж муҳожамасида тарафлар арбитраж жойи ҳақида ихтиёрий равишда келишиб олишлари, бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда арбитраж жойининг иш ҳолатлари ҳамда томонлар учун қулайлик касб этувчи омилларни инобатга олган ҳолда арбитраж суди томонидан аниқланиши жоизлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳакамлик судида ишни муҳожамга қилиш жараёнида аввало тарафлар тенг ҳуқуқлигининг инобатга олиниши, яъни ҳар бир тараф тарафларнинг ҳал этиш, даъвонинг асосий ёки бир қисмини ўзгартириш сингарди масалалардан фойдаланишининг бевоисита эркинлик асосида ҳал этилиши юқориде қайд этилган фикрларимизга тасдиқдир.

Комил ТОЛИПОВ, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлиғи, II даражали ҳакам Дурдона ФАЙЗИЕВА, филиал мутахассиси

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРАЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Республикада олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан тиббиёт олий ўқув юртыда «Олий маълумотли ҳамширалар» факультети фаолият кўрсатмоқда.

Ҳамширалик иши мутахассисларини тайёрлаш билан шуғулланаётган бу факультетга тиббиёт колледжини битирган ёшлар кириши мумкин. Битирувчилар эса бакалавр дипломига ҳам эга бўладилар. Топли илмлар турли доволлаш муассасаларида етакчи ҳамшира, тиббиёт коллежларида эса ўқитувчи вазифасида ишлашляпти.

Уларнинг билим-сависини ошириш мақсадида ҳамширалик ишини ташкил этиш ва бошқариш бўйича магистратура мутахассислиги очилди. Унда доволлаш муассасалари учун ҳамширалик иши менежерлари тайёрланмоқда. Тошкент Давлат тиббиёт академияси «Олий маълумотли ҳамширалар» факультетини бу йил навбатдаги ёш кадрлар битириб, мустақил фаолият юритиш учун йўлнамга олдилар. Улар халқ соғлиғи, кори учун қаўғурадиган малакали мутахассис шифокорлар янглиғ қайноқ меҳнат фаолиятини бошлаб юбордилар.

Ирода ЁРМАНОВА

ТАШХИС ТЕСТ-ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

«Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концернида дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариши таъминловчи тизим шаклланди. Бу эса фармацевтика бозорини янги препаратлар билан бойитиш имконини бермоқда.

Мазкур вазифани бажариш учун антибиотиклар, инфузион эритмалар, шприцда тўндириладиган ампулалар препаратлар, капсуланган шакллар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тармоқ корхоналарида ҳаётий зарур дори-дармонлар рўйхатида кираган 100 дан ортиқ дори тури ишлаб чиқарилмоқда. Хароратни туширувчи, шамоллашга қарши дори, нарқозлар, микробларга қарши қўлланиладиган воситалар, антибиотиклар шулар жумласидандир.

Концернда доривор субстанциялар, маҳаллий синтетик ва усимлик хом ашёлардан тайёр дори-дармонлар ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари ўзлаштирилди.

Вакцина-зардоб тайёрлаш соҳасидаги, вакцина ва ташхис тест-тизимларининг янги авлоди ҳам юзюга келди. Иммунал ҳимоя, фаол ва суст иммунитет соҳасидаги тадқиқотлар ҳам ривож топмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Қарор ва ижро

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

Иқтисодий ўсишнинг муҳим омил

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперацияси асосида ташқи ва ички тармоқ алоқаларини мустаҳкамлаш, экспорт ва импорт ўрнини босувчи замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадларининг кескин ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чўқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорда хўжалик юритувчи субъектларга қатор имтиёзлар ва преференциялар берилган. Жумладан, 2014 йилнинг 1 январига қадар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўловидан, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фонди бўйича мулк солиғи тўлашдан, қарорнинг 1-сонли иловасида келтирилган корхоналарга четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технология асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божжона тўловлари (божжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган.

Таъкидлаш жоизки, имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини

рабатлантиришга йўналтирилиши белгиланган.

Республикамизнинг қўпбал маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналари қаторида Яқкасарой тумани Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган 6 та корхонада 2011 йил якунлари бўйича юқоридеги қарор билан белгиланган имтиёзлар ва преференцияларнинг тўғри қўлланиши натижасида жами 466,5 миллион сўмлик маблағлар улар ихтиёрларида қолган. Керамик плита ишлаб чиқарувчи ОАЖ «TOSHKENT QMK», паролон ишлаб чиқарувчи МЧЖ «TASH POROLON ATM», трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи МЧЖ «APITEKS» каби корхоналар шулар жумласидандир.

Тежалган маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши янада корхоналарнинг янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини

Абдуқодир ҒУЛОМОВ, Яқкасарой тумани Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи



ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси А.Каримов, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди ижрочи директори О.Норов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги эзгу саноат-ҳаракатларда жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласида алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш концепциясида жамоат ташкилотлари фаолиятини давр руҳи билан уйғун ҳолда такомиллаштиришнинг

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси пресс-клубининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари: ҳамкорлик ва самара» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

устувор вазифалари белгиланган.

Фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинлари фаолиятига доир миллий қонунчилик мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо бўлган ортиқ жамоат ташкилотлари таълим-тарбия, ҳуқуқий саводхонлик, аёллар ва ёшлар, экология йўналишларида самарали иш олиб бормоқда. Ассоциация томонидан мазкур ташкилотлар ҳамкорлигида ихтиёрий аҳамиятга мўлжалланган дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга оид лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилляпти.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлака-

тимиздаги оммавий ахборот воситаларида жамоат ташкилотлари фаолиятини чуқур, тахлилий асосда ўрганиб тайёрланган материалларни кўпайтириш давр талабига айланди. Бу эса журналистларнинг касб малака ва маҳорати, соҳага оид англиклар ва маълумотларни нечоғлик пухта ўзлаштиришига бевоисита боғлиқдир.

Йиғилишда жамоат ташкилотлари фаолиятига оид илғор иш тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ижтимоий шерикликни тақомиллаштиришга доир масалалар атрофида муҳожамга этилди.

(ЎЗА)

Истиқлол йилларида халқимиз турмуш даражасининг юксалиб бораётгани натижасида юртимиздаги соғломлаштириш масканларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Шу боис Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтган йилдан бошлаб тизимда мавжуд барча санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини янада ошириш, сиҳаттоҳларни жаҳон андозалари талаблари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

САНАТОРИЙЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот маркасида Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси Кенгаши «Меҳнаткашларни ва улар фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олдириш ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишга тизимли янги ҳаётов натижалари» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу масалалар ҳуқуқиде сўз юритилди.

Маълум бўлишича, қисқа вақт ичида Наманган, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги санаторийларда янги ётоқ ва доволаниш бинолари, болалар майдончалари, маъдани сув муолажалари мажмуалари барпо этилди. Тизимдаги сиҳаттоҳларда тиббиётнинг энг замонавий усулларидан самарали фойдаланиш мақсадида санаторийлар жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Хусусан, Тошкент шаҳридаги «Турон», «Чинобод», Тошкент вилоятидаги «Ботаника», «Бўстон», Наманган вилоятидаги «Чортоқ», «Косонсой», Бухоро вилоятидаги «Ситора Мохи Хоса», Қашқадарё вилоятидаги «Қашқадарё соҳили» санаторийлари умуртқани тортиш, қим-

минланди. «Қашқадарё соҳили» санаторийсиде кум ва туз билан доволлаш муолажалари йўлга қўйилди. Бугунги кунда касба уюмлари тизимидеги санаторийларда нафақат республика, балки хорижий давлатлардан келган фуқаролар ҳам доволанишмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойи давомида тизимдаги санаторийларда 1312 нафар чет эл фуқаролари марокки ҳордик чикардилар. Шу боис Касба уюмлари Федерацияси Кенгаши томонидан касба уюмлари туризмини, хусусан, тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида қатор сайёҳлик агентликлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, тизимда ўтган йили бошланган тақомиллашу ишлари натижасида касба уюшма кўмиталари орқали санаторийларга меҳнаткашлар учун йўланмалар ахратиш мuddати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Бошланғич ташкилотлар молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши натижасида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш қамрови кенгайди. Буни рақамларда тахлил қилсак, тизимдаги санаторийларда жорий йилнинг 6 ойи давомида 50 минг нафарга яқин меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари ўз саломатлигини мустаҳкамладди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 20 фоизга қўпдир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида Оролбўйи минтақасида бўлган 4 400 нафар бола Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри қорхона, ташкилот ва муассасалари тасарруфидаги энг сўлим ва баҳаво болалар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштирилмоқда. Айни дамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 400 нафар бола Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олмоқда.

Шу ва бошқа масалалар юзасидан батафсил маълумот берилган матбуот анжумани якунида мутасадди раҳбарлар журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақлиф этилади!

I. Аукцион савдосида Учтепа туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 25-даха 12А-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м, бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 252 300 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 29 август кuni соат 18:00. II. Шунингдек, аукцион савдосида Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлари судининг 2012 йил 24 апрелдаги 1742/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 26-мавзеси, Лутфий кўчаси, 6-уй манзилидаги умумий фойдаланиш майдони 1156 кв.м бўлган 2 қаватли бинонинг 2 қавати такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 359 095 545 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 15 август кuni соат 18:00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел.:228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Исломобод» маҳалласи, Кўча тор кўчаси, 4-хонадонда (собиқ Гусева 1-тор кўчаси, 4-уй) яшаган Камилова Максума номиде бўлган ўй рижаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Гулбод мавзеси, 39-уй, 2-хонадонда яшовчи Қодиров Комил Тўйчиевичи номиде бўлган ўй ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Отабек ОТАЁРОВ

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови жойларда кўтаринки рўхда ўтмоқда. Жумладан, шахримиздаги Фахур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар bosқичи ташкил этилди. Тадбир ташкилотчилари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар сўй-ҳаракатлари билан кўрик-танлов юқори савияда ўтди.



Кўрик-танловлар

ВАТАННИ МАДҲ ЭТГАН ЁШЛАР

Истиклол берган улкан неъматлардан фойдаланиб мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини мадҳ этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай эзгу, олижаноб туйғуларни ўсиб-униб келаётган ёш авлод қалбига синдириш, ёшларни Ватанга садоқат, унинг тақдири учун даҳлдорлик ҳиссини ошириш айниқса бугунги кундаги долзарб вазифалардандир. Шу улғу мақсадга хизмат қилувчи мазкур тадбирнинг аҳамияти йил сайин ошиб бормоқда. Ушбу танлов халқимиз орасидан етишиб чиқаётган истеъодли ёшларга ўз маҳоратларини тўла на-

моён этишлари учун катта имконият яратиб бермоқда. Истиклол берган саодатга, бахту иқболга йўрилган мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш борасида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳам муҳим ишларни олиб бормоқда. Бинобарин, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини пойтахтда оммавий равишда юқори даражада ўтказишга эришилмоқда. Шу йилнинг июнь ойида шахримизнинг барча туманларида мазкур кўрик-танловнинг саралаш bosқичлари бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган 178 нафар қат-

нашчининг 26 нафари голиб чиқиб танловнинг Тошкент шаҳар bosқичида иштирок этди. — Ушбу кўрик-танловда учинчи бор қатнашим, — дейди Олмазор туманидаги 4-маданият уйининг «Эстрада хонандалиги» йўналиши бўйича тўғарак раҳбари — Жамшидбек Ҳамидов. — Унда «Ўзбекистон Ватаним маним» кўшиғини куйлайман. Ҳар галги танлов мен учун жуда қадри. Иштирокчилар сафиди истиқлол ва Ватанни мадҳ этиш билан бирга янги дўстлар орттирдим. Улар билан ихлодий мулоқотда бўлдим. — Танловда ilk бор иштирок эта-жкан, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси бастакорлик фа-

культети талабаси Фахриддин Дархонбоев. Таассуротларим улкан. Танловнинг факат жонли ижрода ўтказилганлиги менга манзур бўлди. Келажакда дунё сахналарида Ватанимни мадҳ этиш ниятим бор. Тадбир якунларига кўра, Фахриддин Дархонбоев биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар bosқичи голиби бўлди. Комилжон Сафаров, Альбина Уразбаевалар иккинчи, Дилнур Комилов, Ойбек Мирзаев, Шерзод Ортиқовлар учинчи ўринни эгаллашди. Улар кўрик-танловнинг Республика bosқичида қатнашадилар. **Ўзал АҲМАДАЛИЕВА** **Алексей Попов олган сурат**

ЛОНДОН, 27 июль. ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ хабар қилади.



Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг 18 нафари қизлардир. Улар Олимпиадада бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, енгил атлетика, оғир атлетика, ўқ отиш, сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, тэквондо каби спорт турлари бўйича иштирок этади.

«Лондон — 2012»

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ЮЛДУЗЛАРИ ОЛИМПИАДА МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакатимизда навқирон авлодни юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси — спортни ривожлантириш жараёнида қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурида ҳам қизларни спортга кенг жалб этиш энг долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ана шундай юксак эътибор самарасида Ўзбекистон хотин-қизлари орасидан жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъод соҳибалари етишиб чиқмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салохиятини намоён этиш, гурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир, — дейди сузиш бўйича кўпқарра Ўзбекистон чемпиони Юлдуз Қўчқорова. — Мен «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақаларида голиб чиққанман. Ўша мусобақаларда қатнашиб юрган пайтимдан бизни шу даражага



(ЎЗА) олган суратлар

етказган ва ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод этиб тарбиялаётган Ватанимиз шарафини Олимпиада йўналишида улуғлаш ҳақида ният қилардим. Бугун орзуларим рўёбга чиқмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳалар бўйича истеъоддини ва қобилиятини намоён қилиши, таълим-тарбия олиши, касб-хўна эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилганининг самарасидир. Мен ана шундай буюк юрт фарзанди эканимдан фахрланаман ва бу шарафга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. **(ЎЗА)**

Кўрғазмалар

ФОТОСУРАТЛАРДА САЛОМАТЛИК ВА ОЗОДАЛИК МАВЗУСИ

Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллалар ободлиги, орасталлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, тозалик, санитария-гигиена қоидалари бўйича тиббиёт ютуқларини турмушимизда қарор топтириш ва шулар орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи томонидан ташкил қилинган «Саломатлик — менинг нигоҳимда», «Тозалик ва озодалик қоидалари: тенгдош тенгдошга» шиори остидаги фотокўрғазма ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилади. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида Тошкент Фотосуратлар уйи залларида ташкил этилган ушбу фотокўрғазмада Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотожурналистлари томонидан тасвирга туширилган э-

ликдан ортиқ фотосуратлар намойишга қўйилган. Маълумки, кўрғазмада кўтарилган мавзу, бу борада босиб ўтилган йўллар, тажрибалар, илмий, ҳаётий хулосалар, муаммолар илм-фанда, адабий асарларда, публицистикада, оммавий ахборот воситаларининг материалларида, тасвирий санъатда ва ахборотнинг бошқа кўпжаб турларида бериб борилаёпти. Кўрғазмага қўйилган кўпжаб фотосуратлар кишига завоқ бағишлайди, мулоҳазага чорлайди, ўзликни англашга ёрдам қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрининг туманларида 2012 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган Марказий «Мактаб бозорлари» рўйхати

Учтепа тумани — Чилонзор 13-мавзее, Фарҳод-Лутфий кўчалари кесишувида.

Бектемир тумани — «Триумвират» қурилиш МЧЖга қарашли «Кўйлик савдо мажмуаси»да.

Миробод тумани — «Ўзбекистон кўч., 45, «Тошкент универмаги»да.

М. Улуғбек тумани — Буюк Ипак йўли кўчаси, 105-уй олдида.

Олмазор тумани — Талабалар кўч., 65-уй, «Акмал Зиё ХК» дўкони олдида.

Сергели тумани — Сергели -3, савдо ярмаркаси ҳудудидида.

Чилонзор тумани — Чилонзор кўч., 55, «Чилонзор савдо маркази» олдида.

Ҳамза тумани — «Тузель» 1-мавзесида, Темирчи кўчаси.

Шайхотохур тумани — Жангоҳ мавзеси «Хур Омад» МЧЖга қарашли ошхона олдида.

Юнусобод тумани — «Юнусобод саховат» дўкони олдида.

Яккасарой тумани — «Аския деҳқон бозори»нинг кириш қисмида. Ш. Руставели кўчаси, 50 ва 52-уйлар оралиғидаги майдонда.

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув қуроллари, кўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар савдоси ташкил этилади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига!

- 1. Каттик маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш — жисмоний шахслардан: бир киши учун (паспорт столларида рўйхатга олинган ва (ёки) олинмаганлигидан қатъи назар) бир ойма — 1500 сўм.
- 2. Каттик ҳолдаги чикиндиларни тўплаш ва олиб кетиш: бюджет ташкилотларидан 1м³ учун — 18009 сўм; — ҳўжалик ҳўсибидидаги ташкилотлардан 1м³ учун — 22641 сўм 30 тийин.
- 3. Сууқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш: — бюджет ташкилотларидан 1 тоннасига — 7047 сўм 80 тийин; — ҳўжалик ҳўсибидидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 8037 сўм 60 тийин.
- 4. Каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб кетиш

- (суурунди): — бюджет ташкилотларидан 1 машина соати учун 10569 сўм 60 тийин; — ҳўжалик ҳўсибидидаги ташкилотлардан 1 машина соати учун — 12052 сўм 80 тийин.
- 5. НД-310 русумли автомобилларда чикиндиларни қайта юклаш станцияларидан (Ҳамза, Яккасарой ва Юнусобод ЧҚОШ) Охангарон чикиндихўнасига олиб бориш 3600 сўм.
- 6. Чикиндиларни қайта ишловчи станциялардан фойдаланиш бўйича давлат корхонаси — қаттик маиший чикиндиларни қайта ишлаш станцияларига тўплаш ва қайта ишлаш 1 тоннаси учун — 4896 сўм.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзи бир ишни қойил қилмаган ҳаммадан айб ахтариб юради.

Дард жонингдан ўтганда кўзингга ҳеч нарса кўринмайди.

Ўзинг ерда қолсанг ҳам, сўзинг ерда қолмасин.

Орзулар чек-чегарасиз — уларнинг ҳаммасини амалга оширишнинг имкони йўқ, балки бунинг ҳождати ҳам йўқ.

Орзу амалга ошиши учун у мақсадга айланиши керак. Шунчаки орзу бу хом хаёлдир.

Ортиқча яқинлашиш кўпинча узоқлашишга сабаб бўлади.

Ҳаётнинг ўзи кишини эҳтиёткор қилиб қўяди.

Болага қараб, ота-онага баҳо бер.

Ҳаёт оғирлашса, одамлар бағритош бўлади.

Бировнинг ошига қошиқ солган ўз оғзини йиртади.

Одамлар дўсту душманининг фарқида кўпда боравермайди.

Бемаъни умрнинг узоғидан нима фойда?

Яхши одамнинг харидори кўп.

Бировга бир томондан берганини кўриб ҳасад қилмади, бошқа томондан олиб қўйган бўлиши мумкин.

Нодон худбин бўлади.

Нодондан яхшилиқ умид қилма.

Ёмонга тенг бўлиб ҳеч ким обрў олган эмас.

Эҳтимол, тоғни ўрнidan кўчириш мумкин, лекин туғма табиатни ўзгартириб бўлмайди.

Нодон баҳслашишни хуш кўради.

Ўзини кўрсатишга уриниш гурурдан.

Кўнгил яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам олдиндан сезади.

Катта қалб эгалари майда-чўйдаларга эътибор бериб ўтирмайдилар. Ҳолбуки, майда одамлар асосий эътиборларини майда нарсаларга қаратадилар.

Бошга бало кўпинча эҳтиётсизликдан келади.

Ёмон бошланган куннинг яхши туғайи қийин.

Ёмонлиқни тезда унутган ютади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаб уюшма кўмитаси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси профессори **Джалил Джалалович ДЖАЛАЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 31 июль куни ҳаво вақти-рошти шаҳар ҳаво муҳитида вақти билан ўзгариб туради, «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона мазли: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65 факс (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жоилардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.